

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 6 (10.815)

Баҳоси эркин нархда

ТОШКЕНТ — ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИНГ УМУМЖАҲОН ПОЙТАХТИ

**ИСЛОМ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ
ТАШКИЛОТИ (ОИК)
ТАРКИБИДАГИ
МУАССАСАЛАРДАН
БИРИ - ТАЪЛИМ,
ФАН ВА МАДАНИЯТ
МАСАЛАЛАРИ
БЎЙИЧА ХАЛҚАРО
ИСЛОМ
ТАШКИЛОТИ
(ISESCO)
ТОШКЕНТНИ 2007
ЙИЛДА ИСЛОМ
МАДАНИЯТИНИНГ
ПОЙТАХТИ, ДЕБ
ЭЪЛОН ҚИЛДИ.**



Бутун Осиё китъасининг вакили бўлган Тошкент билан бир қаторда араб дунёсидан Фес (Марокко) ва Триполи (Ливия) шаҳарлари, шунингдек, Африка китъасидан Сенегал пойтахти - Дакар шаҳарлари ҳам ислом маданиятининг пойтахтлари, деб эълон қилинди.

Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва илми олдидagi, ислом мероси ва ёдгорликларини асраш ва янада бойитиш борасидаги мисли-сиз хизматлари учун Тошкент шундай юксак ва фахрли унвонга сазовор бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, мушаккил Ўзбекистоннинг пойтахти мусулмон дунёсида ўзига хослиги, маҳобатли мадраса ва масжидларининг бинолари, минглаб нодир қўлэмаларга бой бўлган кутубхоналари, ислом уйғониши даврининг буюк усталари, аллома ва меъморлари ижодидаги мансуб

намуналари кўз қорачиғидай авайлаб-асралаётган музейлари билан бутун дунёдан келаётган меҳмонларини ҳайратга солади. Тошкентда Имом ал-Бухорий номи Тошкент ислом институти, Кўкалдош номидаги мадраса ва Президент И.Каримов ташаббуси билан барпо этилган Тошкент ислом университети фаолият кўрсатмоқда. Бу таълим муассасалари диний улаомлар, диншунослар, ислом ҳуқуқи ва манбаушunoslik, жаҳон иқтисодиёти ва информатика мутахассисларини тайёрлайди. Ўз йўналиши бўйича МДХ ҳудудидаги ягона олий ўқув юрти бўлган Тошкент ислом университетида жуда кўп мароталаб дин ва сиёсат, бағрикенглик ҳамда замонавий дунёда тинчлик ва барқарорлиқни сақлашнинг долзарб мавзуларига бағишланган халқаро конференциялар, семинар

ва давра суҳбатлари бўлиб ўтган.

Жаҳондаги минглаб шаҳарлар орасидан айнан Тошкент 2007 йилда Ислам маданиятининг умумжаҳон пойтахти, деб танланди. Тошкент номзодининг танла-нишида ISESCO биринчи гада Республика раҳбариятининг Ўзбек халқи маданий ва маънавий қадриятларини қайта тиклашга йўналтирилган сиёсати, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати томонидан ислом цивилизацияси ёдгорлик-ларини ҳимоя қилиш ва кўз қорачиғидай асраш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар эътиборга олинди.

Шунингдек, ISESCOнинг бун-дай тўхтама қилиши Осиё китъа-сидagi энг кўпна шаҳарлардан бири - бой маданиятга эга бўлган Тошкентнинг дунё тараққиёти та-рихида алоҳида ўрин тутиши би-лан изоҳланади.

«Жаҳон» АА

МУНОСИБ МАҚОМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИ
ТОШКЕНТГА 2007 ЙИЛДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ
ПОЙТАХТИ МАҚОМИНИНГ БЕРИЛИШИ
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ
ТОШКЕНТДАГИ ДИПЛОМАТИЯ
ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ҲАМДА ХАЛҚАРО
ТАШКИЛОТЛАР ВАКОЛАТХОНАЛАРИ
РАҲБАРЛАРИ ТОМОНИДАН КЕНГ ВА ҚИЗҒИН
ШАРҲЛАНМОҚДА**

ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳ-бары Майкл Барри Лейн Ўзбекистон бош кен-тининг Ислам маданияти пойтахти, деб эълон қили-ни-шини муносиб маком, деб баҳолади.

Тошкентда «Жаҳон маданияти ёдгорликлари» рўйхатида киритилган Усмон қўрьони ҳамда Беруний кутубхонаси сақланмоқда. Барокхон, Кўкалдош мадрасалари, Кафпол Шойши, Шайх Хованд Тоҳур, Юнус-хон, Занги ота ёдгорлик мажмуалари бинолари асраб-авайлаб келинмоқда. 2007 йилда ушбу муҳим воқеа муносабати билан ЮНЕСКО Марказий Осиё ислом ме-росига бағишланган халқаро конференцияни Тошкен-тда ўтказишни режалаштирмоқда, — деб таъкидлади ЮНЕСКО ваколатхонасининг раҳбари.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар Фон-ди — ЮНИСЕФ ваколатхонасининг раҳбари Ризо Хусайний ҳам Ислам конференцияси ташкилоти-нинг Таълим, фан ва маданият фонди — ISESCO то-монидан 2007 йилда Тошкентда Ислам маданияти пой-тахти мақомининг берилиши муносабати билан ўзе-бистонликларни муборакбод этди.

— Ўзбекистон қадим замонлардан бери ислом ма-данияти марказларидан бири бўлиб келган. Имом ал-Бухорий, Муҳаммад ал-Хоразмий, Баҳроуддин На-ҳшбанд каби буюк мутафаккирлар жаҳон ислом мада-нияти ва фанига салмоқли ҳисса қўшганлар, — деб таъкидлади Р.Хусайний.

— Тошкентда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон шаҳарнинг маданий ва тарихий муҳитини қалбдан ҳис қилади, — дейди БМТ Аҳоли зичлиги фонди (ЮН-ФПА)нинг Ўзбекистондаги вакили Халид Филби.

Музейлар ва мадрасаларнинг маҳобатли бинолари, Тошкент ислом университети фаолиятида акс этаётган сермазмун ислом маданияти шаҳарни бутун Осиё китъ-асидаги энг ёрқин ислом маданияти марказларидан

бири, деб эътироф этилишига сабабчи бўлгани таби-ийдир.

Узоқ тарихдан бошлабқ мусулмон дунёси тарихи-да асосий ўринлардан бирини эгаллаб келган, жаҳон-га Бухоро, Самарқанд, Хивани тўғра этган Ўзбекис-тоннинг гўзал пойтахти энг муҳим исломий марказлар-дан бири, деб эътироф этилишига ҳар томонлама му-носиб.

— Ушбу тўғри ва адолатли қарорнинг қабул қили-ниши Ўзбекистоннинг бой исломий маданияти билан боғлиқ эканлигига шубҳа йўқ, — деди Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Жан Бернар Арт ISESCO қарорини шарҳлар экан. — Мусулмон оламининг жа-ҳонга машҳур қатор олимлари, файласуф ва шоирла-ри ушбу мамлакат ҳудудида етишиб чиққанлар. Тош-кентнинг ислом маданияти пойтахтларидан бири, деб тан олиниши жаҳон жамоатчилигига Ўзбекистондаги бой исломий мерос билан яқиндан танишиш имкони-ни беришига шубҳа йўқ.

«Ўзбекистон бундай эътирофга лойиқдир, — дейди Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчиси Дэ-вид Моран. — Мусулмон оламининг энг муҳим ёдгор-лиги — Усмон қўрьони Ўзбекистонда сақланади. Тош-кентнинг ислом маданияти пойтахтларидан бири, деб эътироф этилиши Ғарб жамоатчилигида унинг бой ва ўзига хос тарихий-маданий ҳамда маънавий меросига қизиқишни кўчайтиради. Ўзбекистон халқи Тошкент билан бир қаторда Самарқанд, Бухоро, Хива каби улғу-вор ҳамда гўзал шаҳарлари билан ҳар қанча фахрлан-са арзийди».

— Мен Таълим, фан ва маданият ишлари бўйича ислом ташкилотининг 2007 йилда Тошкентни ислом маданияти пойтахтларидан бири сифатида эътироф этиш тўғрисидаги қароридан беҳад хурсандман, — деди Мисрнинг мамлакатимиздаги элчиси Нодия Каф-фодий. — Тошкентнинг ўтмиши ва қадимдан сақла-ниб келаётган бой меросини эътиборга олган ҳолда мазкур қарор адолатли қабул қилинган, деб ҳисоб-лайман.

Ўзбекистон шаҳарлари ислом дини ва маданияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган кўплаб меъморчилик ёдгорликлари ила дунёда ном таратган. Қадимий Бу-хоро ва Самарқанд шаҳарлари ҳам Тошкент билан бир сафда жой олишига сазовордир.

(Давоми 2-бетда)

ри вакиллари иштирокида уюш-тирилган семинар-тренинг «Солиқ қонунчилигидаги исло-хотларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» деб номланди.

● **ХАЛҚ** таълими вазирлиги ташаббуси билан олим Иброҳим Аскарлов муаллифлигида ўрта мактабларнинг 7-8-9- синфла-ри ўқувчилари учун мўлжаллан-ган «Кимё» дарслиги чоп этил-ди.

● **МИРЗО** Улғубек номидаги маданият ва истироҳат боғида

шаҳримиз маҳаллаларида исти-қомат қилаётган болажонлар учун Қорбобо ва Қорқиз ҳамда эртақлар қаҳрамонлари иштиро-кида арча байрами ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисо-диёт университетида «Иқтисоди-ёт ва бизнес соҳасида таълим-тарбия инновациялари: тажри-ба ва истиқболлар» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлиги-нинг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ижодий меросининг ёш авлоди Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қад-риятлар руҳида тарбиялаш борасида муҳим аҳамиятга эга эканини ино-батта олиб ҳамда ёзувчи таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазир-лиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Республика Маъна-вият тарғибот марказининг Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги-ни нишонлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқ-лансин.

2. Ташкилий кўмита бир ой муддатда тегишли вазирликлар ва идора-лар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда юбилей тадбирлари режасини ишлаб чиқсин ва уни амалга оширишга киришсин.

Жумладан:

Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази билан биргаликда 2007 йилнинг сентябрь ойида «Аб-дулла Қаҳҳор ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзусида ил-мий-амалий конференция, Ўзбекистон Миллий академик драма театрида адиб таваллудига бағишланган тантанали адабий-бадий кеча ўтказиш;

2007 йилнинг май ойигача Абдулла Қаҳҳор уй-музейининг экспозици-ясини бойитиш, музейдаги мебеллар ва санъат асарларини реставрация қилиш, музей биноси томини капитал таъмирлаш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;

Ўзбекистон театрларида Абдулла Қаҳҳор асарлари асосида спектакл-лар саҳналаштириш чораларини кўрсин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда Бадий академия ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда Абдулла Қаҳҳорнинг ҳай-калин яратиш ва уни белгиланган тартибда ўрнатиш бўйича таклиф киритсин.

4. Республика Маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус таъ-лим ҳамда Халқ таълими вазирликлари ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкор-лигида бир ой муддатда таълим муассасаларида Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодида бағишланган адабий-бадий тадбирлар, давра суҳбатлари, ижо-дий учрашувлар ташкил этиш режасини ишлаб чиқсин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фанлар академияси ва Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда адибнинг 100 йиллигига бағиш-лаб Абдулла Қаҳҳорнинг бир жилдлик сайланма асарларини ҳамда Ки-риб Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас» хотиралар китобини қайта нашр этсин.

6. «Ўзбекино» Миллий агентлиги 2007 йилнинг июнь ойигача Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижодида бағишланган янги ҳужжатли фильм ярат-син.

7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги 2007 йилнинг июль ойигача Абдулла Қаҳҳор сиймоси туширилган ва унинг асарлари мавзуси асосида ишланган почта маркалари ҳамда конвертлар туркумини чиқар-син.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телера-диокомпанияси ва оммавий ахборот воситаларига адиб ҳаёти ва ижоди тўғрисида туркум кўрсатувлар ҳамда радиозастиштиришлар тайёрлаш, мат-буотда мақолалар чоп этиш ва юбилей тадбирларини кенг ёритиш таъ-сия этилсин.

9. Молия вазирлиги юбилей тадбирларини молиялаштиришни 2007 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларида маданият соҳаси учун назар-да тутилган маблағлар доирасида амалга оширишни таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 8 январь

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ»

танловига марҳамат!

Азиз ҳамкасблар! «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» номи билан атал-лан 2006 йил тарих саҳифаларидан жой олиб.

Ўтган йил мамлакатимизнинг та-риққиёт йилида, ҳаётимизнинг бар-ча йўналишларидаги ижтимоий-сиё-сий, маданий-маънавий ислохотлар-ни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимизнинг барқ-арор ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимизнинг фаровонлигини оши-ришда алоҳида ўрин эгаллади.

Мамлакатимиз ижод аҳли ха-лқимиз эришган ютуқларни, ўй-мақсадларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб боришда. Табиийки, бу ишлар га-зета ва журналлар саҳифаларида, телекўрсатувлар ва радиозастишти-ришларда, янги-янги чиққан ки-тоблар саҳифаларида ўз аксини топди.

ОАВда меҳнат қилаётган азиз

Материаллар қуйидаги манзилга юборилди:
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30, 35, 37-хоналар.
Телефонлар: 144-64-62; 144-64-61; 144-37-87. Факс: 144-69-65
E-mail: ijod@sarkor.uz www.Journalist.uz

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● 2005-2006 ўқув йили якунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазир-лиги сержантларни тайёрлаш мактаблари ўртасидаги мусобақада ўқув-методик, тар-биявий ишларни намунали амалга ошир-гани, касб тайёргарлиги дастурини ўзлаш-тиргани ва ҳарбий интизомни мустаҳкам-лагани учун Жануби-Ғарбий алоҳида ҳар-бий округ сержантларни тайёрлаш макта-би голиб чиқди.

● Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг 15 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан Ну-кус шаҳар Мудофаа ишлари бўлими «Ка-молот» ЕИХ шаҳар кенгаши билан ҳам-корликда «Ватани мардлар ҳимоя қила-ди» мавзусида тадбирлар ташкил этмоқ-да.

● Юнус Ражабий номидаги Жиззах ви-лояти мусикали драма театрида Марка-зий ҳарбий округ кўшинлари кўмондон-лиги томонидан ёш офицерлар йигини ташкил этилди. Тадбир иштирокчилари, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг аълочи курсантлари Ватан сарҳадларини ҳимоя қилишдаги билимла-ри, касбий маҳоратларини ошириш, ҳар-бий интизомни мустаҳкамлаш юзасидан ўзаро фикр алмашди.

● Яқин атрофдаги бир неча қишлоқ-нинг 20 дан ортқ аҳолиси Вобект туман-идаги «Нафосат» МЧЖда иш ўринларига эга бўлишди. Улар касаначилик асосида тикувчилик билан шугулланмоқдалар.

● Чироқчи туманидаги марказий шифо-хонага қарашли туғруқхона қайта таъмир-ланиб, барча қулайликларга эга бўлди. Туғ-руқхонани замонавий меъёр ва талаблар-га мос тарзда таъмирлаш учун 66 милли-он сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ҳомийлар томонидан эса 7,6 миллион сўм маблағ ажратилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча БМТ Хавфсизлик Кенгаши Рос-сия давлати раислигида янги йилдан кей-ин ўзининг дастлабки йиғилишини ўтказ-ди. Унда Пан Ги Мун илк бор БМТнинг янги Бош котиби сифатида иштирок этди.

● Чехия Президенти Вацлав Клаус кеча Вазирлар Маҳкамасининг янги таркибини тасдиқлади. Унга учта партиянинг вакил-лари бўлиш 18 та вазир кирди.

● БМТ донор давлатларга мурожаат қилиб, ироқлик қочқинларга зудлик би-лан 60 миллион доллар ажратишларини сўради. Зеро, мамлакатдаги мавжуд бе-қарор вазият натижасида сўнгги олти ой давомида 500 минг нафардан ортқ аҳоли ўз уйларини ташлаб кетган.

● Венесуэла Президенти Уго Чавес мам-лакатдаги энергетика ва телекоммуни-кация соҳасини национализация қилиш ре-жаси борлигини билдирди. Шу мақсадга эришиш учун Президент мамлакат Консти-туциясига ўзгартиришлар киритиш таша-буси билан чиқди.

● Кеча АКШ ҳарбийлари ва Ироқ армия-сининг ҳамкорлигида кенг кўламли опе-рацияси чоғида 50 нафар жангари йўқ қилинди, 20 таси қўлга олинди.

● Араб денгизига АКШ сув ости кемаси Япония танкерига урилиб кетган. Таъкид-лаш жоизки, қутилмаган тўқнашув оқиб-атида ҳеч ким жабр кўрмаган. Ҳозирда воқеа сабаблари ўрганилмоқда.

● Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт-нинг кеча Хитойга уч кунлик расмий та-ширифи бошланди. Музокаралар чоғида Яқин Шарқ муаммосининг муҳокама қилиниши ва икки томонлама савдо-иқтисодий ало-қаларни ривожлантириш масалаларининг кўриб чиқилиши кўзда тутилмоқда.

● Европанинг Airbus авиасозлик кон-церни янги русумдаги А-320 самолётла-рини етказиб бериш юзасидан учта шарт-нома имзолади. Буюртмаларнинг умумий ҳажми деярли 8 миллиард долларни таш-кил этади.

● Кеча Ироқда Молдавия авиакомпани-яларининг бирига тегишли бўлган АН-26 самолёти ҳалокатга учради. Самолётнинг номаълум сабабларга кўра ерга қулаб ту-шиши оқибатида унинг бортидаги 30 на-фар киши ҳаётдан кўз юмган, икки киши эса тан жароҳатларини олган. Ҳозирда ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

ОБ - ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар бери-шича, 11 январь кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайд. Кечаси ва эртаб айрим жой-ларда туман тушади. Шарқдан секундида 3-8 метр тез-ликда шамол эсади. Кечаси 2-4 даража совуқ, кундузи 3-5 даража илқ бўлади.

ЕР СИЛКИНДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 8 январь кун соат 22 дан 22 дақиқа ўтганда ер силкинди. «Тошкент» марказ-ий сейсмик станциясидан олинган маълумотларга қара-ганда, унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 3-5 баллга тенг бўлган. Зилзила маркази Тошкент шаҳридан 190 кило-метр узоқликда, жануби-шарқий йўналишда, Тожикистон Республикасининг Исфара шаҳри ҳудудида (7 балл) бўлган. Ўзбекистон ҳудудида қурбонлар ва вайронгарчиликлар йўқ.

АЙНИ КҮНЛАРДА БУТУН
РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ ҚУРОЛЛИ
КУЧЛАРИМИЗ ТАШКИЛ
ТОПГАНЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ ВА
ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КҮНИГА
БАҒИШЛАНГАН ТҮРЛИ ТАДБИРЛАР,
ДАВРА СУХБАТЛАРИ ВА БИР ҚАТОР
ТАНЛОВЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Қуролли Кучларимизнинг

15 йиллигига

МАРДЛАР ҚҮРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!

Куни кеча Чилонзор туманида бўлиб ўтган «Мардлар қуриқлайди Ватанни!» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ҳам сарҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусофоллиги, тинч-осуда кунларимиз учун постида сергак турган мард ўғлонларимизга бағишланди.

Республика мудофаа вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Чилонзор туман ҳокимликлари, шаҳар ва туман мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маҳалла» жамғармаси, «Маънавият тарғибот маркази»нинг шаҳар ва туман бўлимлари каби қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган ушбу бай-

рам тадбирида мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан юртимиз осийшқалиги ва ҳавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлай оладиган, замон талабига мос, тезкор ва ҳаракатчан миллий армияни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бугунги кунда бу борадаги кенг кўламли ишлар ўз самарасини бераётгани ҳақида таъкидлаб ўтилди.

—Азиз ўғлонлар, юрт шарафини мардонавор қуриқлаётган мард, ватанпарвар аскар йигитлар, Яқинлашиб келаётган байрам кутлуг бўлсин. Хизматни аъло даражада ўтаб ота-онангиз, ёру биродарларингиз бағрига соф-

омон қайтинг. Биз сиздек Ватан ҳимоячилари билан фахрланамиз, ҳамиша она-юртингизга муносиб посбон бўлинг,—дейишди жумладан тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова ва Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи, полковник Рашид Арамовлар.

Шунингдек, анжуманда «Аскар оналари» слёти қатнашчилари ҳам сўзга чиқиб хизматдаги ўғлонларига ўзларининг дил сўзларини изҳор этдилар.

Айтиб ўтиш жоизки, диллар бир олам қувончга тўлган ушбу

тадбирда ҳомийлар томонидан аскарларга қимматбаҳо совға-саломлар топширилиб, чиройли байрам дастурхони тuzалди.

—Хизматга келганимга 9 ой бўлди,—дейди оддий аскар Музаффар Ғиёсов.—Ўтган вақт давомида жуда кўп нарсаларни ўргандим, яқинларимнинг қадрини, ота-она меҳрининг буюклигини ҳис қилдим. Тартиб-интизом, техника сирларини ўрганиш, ўқув машғулотида йигит кишини тоблар экан. Ҳайдовчилик касбини муқаммал эгалладим, ўқиб-изилгани хизматда яхши кўрсаткичларга эришмоқдам. Бунинг учун барча шайхонлар яратилган, насиб этса

тавсиянома билан қайтиб, олий ўқув юртига ўқишга кириш орзусидаман.

Ха, озод юрт посбонининг орзулари жавоб бўлади, албатта. Тадбир давомида аскарлар учун яратилган шарт-шароит, турар жой, ўқув ва машғулот хоналари билан яқиндан танишиб биз бунга яна бир қарра ишондик, буюк мақсад, яхши ният ҳамиша сизга йўлдош бўлсин, дея ният билдирдик.

Шахризода МУҲСИМОВА
СУРАТЛАРДА: «Мардлар қуриқлайди Ватанни!» тадбиридан лавҳалар.
Қамолдин Тўраев олган суратлар

Қарор ва ижро

АСОСИЙ МЕЗОН — СИФАТ

ЎТГАН ЙИЛНИНГ ЯКУНИГА КЎРА, ШАҲАР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ КУЗАТИЛДИ ВА БУ БОРАДА АЙНИҚСА ПУЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИДАГИ УЛУШИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА — 115,5 ФОИЗ ТАЪМИНЛАНГАНИ КЕЙИНГИ БИР-ИККИ ЙИЛ ИЧИДА ЭРИШИЛГАН ЭНГ ЯХШИ КЎРСАТКИЧДИР.

Бунга шубҳасиз, мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилган саъй-ҳаракатлар туфайли эришилди.

Мазкур ҳужжатнинг моҳияти шундаки, хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланиши бир томондан — унинг кўплаб йўналишдаги тармоқларида янги иш ўринлари очилишига ва шу асосда аҳоли даро-

мадларини оширишга, иккинчи томондан — рақобатни кучайтиришга ва сифатли, сервис даражасидаги хизмат турлари кўпайишига имкон беради.

Биргина Бектемир тумани оладиган бўлсак, ўтган давр мобайнида хизмат кўрсатиш соҳасида юзга яқин янги субъектлар иш бошлади. Бирок, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, уларнинг фақат айримлари солиқ имтиёзларидан фойдаланишга ҳақлидир. Гап шундаки, Қарорда бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган. Хусусан, 2006 йил 1 апрелдан бошлаб маиший, кон-

салтинг ва баъзи бошқа йўналишда хизмат кўрсатиш билан машғул бўлган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилган. Жумладан, тумандаги тўртта «Чен-Чун» (маиший хизмат), «Назорат-аудит» хусусий фирмалари, «Молия-тахлил-эксперт» ва «Ёрдам-консалтинг-аудит» масъулият чекланган жамиятлари янги меъёrlардан келиб чиққан ҳолда 2006 йил апрель-ноябрь ойларида 3,6 миллион сўмга тенг солиқ имтиёзларидан фойдаланиб, иқтисод қилинган маблағларини ўз фаолиятларини янада ривожлантиришга йўналтирганлар.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича изчил қарорлар қўрилмоқда. Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истикболли турлари — банк-молия, сугурта, ахборот-коммуникация ва бошқа хизматлар ривожланиши ҳисобига такомиллашиб бормоқда. Замонавий техника ва технологияларнинг жорий этилиши, ўз навбатида, уларга кўрсатиладиган хизмат турлари кенгайишига асос бўлаётди.

Шу билан бирга бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш, давлат бюджетни тушумларининг истиқболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмапти. Ўтган вақт ичида бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бироз ошган бўлсада, аммо ҳозирча бозор мезонларига мос эмас.

Қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида авваломбор тадбиркорликнинг фаолиятини янада кучайтириш, аънавий хизмат турлари билан бир қаторда бугунги кунда талаб юқори бўлиб бораётган юридик, консалтинг, банк, молия, сугурта, лизинг каби хизматларни кенг йўлга қўйиш лозим ва шу билан бирга асосий мезон — сифат кўрсаткичларини ошириш учун кадрлар, аниқроғи мутахассисларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш даркордир.

Санжар ХАЙРУТДИНОВ,
Бектемир тумани давлат солиқ инспектори

Саломатлигимиз ўз қўлимизда

БОЙИТИЛГАН УН —ТАНГА ДАРМОН

ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН АНИҚЛАНИШИЧА, ДУНЁНИНГ 40 ФОИЗ АҲОЛИСИ КАМҚОНЛИКДАН АЗИЯТ ЧЕКАР ЭКАН, ШУЛАРДАН 75 ФОИЗИ ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ ТУФАЙЛИ ЮЗАГА КЕЛАР ЭКАН.

...Бугун Нодира жуда эрта турди. Негадир боши оғриб, кўнгли беҳузур бўлаётганидан нонушта ҳам қилмай ўқишга йўл олди. Автобусда кетаётган ҳам негадир беҳаловат бўлиб, юраги тез-тез ура бошлади. «Менга нима бўлаяпти ўзи» деб ҳавотирланганча бекдага бир оз ўтириб, ўзига келгандек бўлди. Дугоналари билан ҳам наридан бери сўрашди-ю жойига бориб ўтирди.

Нихоят гала-говур бўлиб турган синфга бир зумда жимжитлик чўкди. Сурайё опа наватдаги дарсини тушунтирар экан, негадир бир икки марта Нодира томонга кўз ташлаб қўяр эди. Нодира эса бу вақтда ўзини бутунлай беҳол сезганча ўқитувчининг гапларини ҳатто эшитмаётган эди. Бир оз вақтдан кейин у йиқилиб тушаётганини ҳам сезмай қолди. Бирдан синфда тўс-тўплон бўлиб кетди. Кимдир «Тез ёрдам» қақришга, кимдир эса сўега чопди. Мактаб шифокори етиб келиб биринчи ёрдамни кўрсатди, бир зумда етиб келган «Тез ёрдам» шифокори эса қизни обдон текшириб, зудлик билан касалхонага ётқизиш лозимлигини айтди. Ўша заҳоти Нодирани ҳамшира ва дугонаси ёрдамда касалхонага олиб кетишди.

Синфга жим-житлик чўкди. Ҳозиргина кўз олдиларида бўлиб ўтган воқеа ўқувчи-ёшларга жуда қаттиқ таъсир қилди. «Қани болалар, дарсимизни давом эттирамиз», деганча уларнинг фикрларини қалбига чопланган Сурайё опанинг ҳаёлида ҳам бир фикр чарх уради. Кечганича Нодиранинг онасини қақриб гаплашган эдим. «Қизингизнинг тоби йўқ, дарсларни ўзлаштириш ҳам жуда паст, кўп боши оғриб қоляпти, бу камқонлик белгисидир, шифокорга кўрсатиб кўринг», деган гапига у «йўқ, нималар деярсиз, қаердан камқонлик бўлади», деб жўли қилиб кетган эди. Мана оқибати, ўртоқларининг олдида яхши бўлмади.

Орадан бир ҳафта вақт ўтди. Синф раҳбари бўлгани учунми Сурайё опанинг тинчи йўқолди. Вақт топиб Нодиранинг йўлга борди. Ўқувчисининг соғлиғидан ҳавотир бўлганини айтиб онаси билан гаплашди. Аввалига ўқитувчининг бундай қуюнчақлигини унчалик ҳушмаган Вазираҳон гаплашиб ўтириб тўғриси айтишга мажбур бўлди. Ахир «касали яширсанг, иситмаси ошкор қилади» деб беҳижга айтишмоқчи. Қизи Нодира ҳали анча даволаниши керак.

—Сиз тўғри айтган экансиз, опа-жон,— деди у ниҳоят ўқувчисидан ҳавотир бўлган ўқитувчига қараб,— қизим

камқонлик касалига чалинибди. Аввалроқ бошланган экану мен беҳабар қолибман. Отаси узокқа жўла кетганлар. Беш нафар бола, буюғини энди ўзингиз тушунасиз. Эртаю кеч ишда, бозорда бўлман, келаману енгил-елпи овқат қилиб бера қолардим. Тез-тез касал бўлиши, дарсларга боришни истамаслиги, ҳаёлининг паришонлиги ҳам шундан экан. Аввал боши анемия ҳасталиги ўзимда ҳам бор эди. Шу қизимга ҳомилдорлигимда роса қийналган, камқонлидан азият чеккан эдим. Наридан даволанганман, барибир қизимда ҳам шу юзага чиқибди-ми, дейманда.

Узоқ йиллардан бери ёшларга илм сирларини ўргатиб келаётган устознинг юраги шувиллаб кетди. Эссизгина, озгина эътиборсизлик туфайли ёшгина қизалоқ қанча даволаниши керак, дедлардан ҳам қолиб кетади. Ахир шундай бўлмаслиги мумкин эди-ку.

Ха, мумкин эди. Лекин бунинг учун озгина эътибор, ўзимизга, яқинларимизга бўлган қуюнчақлигимиз керак эди. Ўртимизда витаминларга бой ноз-неъматлар жуда сероб, фақат уни қандай, қачон ейиш кераклигини билмб қўйсак қифоя.

Таомномамизга ловия, мош, дуқаклар, маккажўҳори, қўқатларни, айниса янги ўзилган мева ва сабзавотларни истеъмол қилишни қўшиб қўйсак ёки ҳар куни севиб истеъмол қиладиган нон, булочка ва печеньеларни бойитилган ундан тайёрланганига эътибор қаратсак, олам гулистон. Чунки бойитилган ундагина бизнинг организмимиз учун ниҳоятда зарур бўлган витаминлар ва темир моддаси мавжуддир. Республикада фақат 1-навли ун бойитилади. Қозғистон уни ҳам бойитилган.

Бир нарасага эътиборни қаратиш лозимки, жаҳондаги 189 мамлакатдан атиги 48 тасида ун бойитилган экан. Ўзбекистон ҳам ун бойитиладиган мамлакатлар қаторидан ўрин олган.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан ёш авлод камолоти йўлида қилинаётган ишларга озми кўпми ўз хиссасини қўшиб келаётган Сурайё опа мактабга кела-келгунча шу фикрларни ҳаёлидан ўтказди ва дарсга кўнгирак қалинганда, ўқувчиларга шу мавзуда дарс ўтди.

«Токи ҳар биримиз ўз биланларимизни бир-биримизга етказсак, касалликка қалинши ҳам шунчалик қамайдим», деган сўзларни болаларнинг қўлига қўйди устоз-мураббий.

Шоира МУҲАМЕДОВА

МУНОСИБ МАҚОМ

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГҲЛАДРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

Кейинги йилларда республикада, жумладан пойтахтимизда эл ишига камарбаста бўлган фидойи, заҳматқаш аёлларимиз сафи кенгаймоқда. Уларнинг меҳнатлари кадрланиб ҳукуматимизнинг ордени ва медаллари билан тақдирланмоқда. Утган йили Мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрами арафасида Республика Патологик анатомия маркази директори, академик, профессор Малика Абдуллажоева Ўзбекистон Қарамони деган юксак унвонга сазовор бўлди. Бу хушxabар нафақат Малика опа ва унинг яқинлари, балки бутун ҳамюртларимиз учун бениҳоя қувончли воқеа бўлди, десак адашмаймиз. Чунки, Малика Самадовна шундай шарафли унвонга муносиб аёл. Опанинг босиб ўтган ҳаёт сўмоқлари, илм-маърифат ўрганиш, изланишдаги машаққатлари, халқимиз саломатлигини сақлаш йўлидаги олиб борган илмий ишлари, фидойилиги, барча фазилатлари шундай муқофотга муносиб эканлигини тасдиқлайди.

Бундай юксак унвонга сазовор бўлишни кутмагандим. Бу қувончли хушxabарни эшитганимда беҳиётёр бутун умр қилган меҳнатларим, машаққатларим муносиб баҳоланганлигидан бошим осмонга етди, — дейди фахр ва гурур билан Малика Абдуллажоева. — Оила аъзоларим, яқинларим, ҳамкасбларим, ҳаттоки, чет мамлакатлардан кўнгироклар бўлиб, мени чин дилдан қўлашди. Менга Президентимиз ушбу муқофотни топширганларида эса элда эъзоз толанлигидан қалбим фахр-ифтихор туйғуларига лиммо-лим тўлди. Менга билдирилган юксак ишончдан жуда бахтиёрман. Аёлларнинг ардоқлаган ҳукуматимиз ҳамда Ўртбошимизга минг раҳмат.

Малика Абдуллажоева Тошкент Давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тиббиёт академияси) да ўқиб юрган кезларидаёқ илмий ишлар олиб борди. Унинг турли физиологик ва патологик жараёнларда миядаги

кимёвий структуранинг ўзгаришлари ҳақида Норвегияда ўтказилган шифокор-талабалар

Нишондорларимиз

ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПГАН АЁЛ

МАЪЛУМКИ, ҲАР ҚАЙСИ МАМЛАКАТНИНГ МАДАНИЙ ДАРАЖАСИ ВА МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИГИ АЁЛЛАРГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ БИЛАН БЕЛГИЛанади. АЁЛИНИ ҚАДРЛАГАН ЮРТДА ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ЮКСАЛАДИ АЛБАТТА. ШУ БОИС МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ВА РАҲМЎРЛИК ЙИЛ САЙИН ОРТИБ БОРМОҚДА. АЁЛЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ ҲАМДА ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ОШМОҚДА. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖАМИЯТИМИЗДА БАРЧА СОҲАЛАРДА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИ ҲУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНМОҚДА. БУЛАРНИНГ БАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА АЁЛЛАРГА БЎЛГАН ҲУРМАТ ВА ЭЪТИРОМНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИДИР.



конференциясида қилган маърузаси қатнашчилар олқишига сазовор бўлган. У ўзининг тиришқоқлиги, илмга чанқоқлиги, ташкилотчилик қобилияти билан бошқалардан ажралиб турарди. М.Абдуллажоеванинг «Этилатилган билан оғриган болаларнинг адашган асаб ўзаклари нейронларида юз берадиган гистокимёвий ўзгаришлар таҳлили» мавзусидаги илмий мақоласи таъбат ахлини ҳайратга солган. Чунки Малика Абдуллажоева шу пайтгача бедаво дард

ган. У Женевада Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотида беш йил илмий маслаҳатчи, эксперт бўлиб ишладди. 1986 йили Америка Қўшма Штатлари Френсо шаҳрининг фахрий фўкароси бўлган. Кембриж илмий маркази томонидан 1998 йилнинг «Энг салоҳиятли аёли» деб топилган. У шунингдек, «XX асрнинг энг буюк 500 алломаси» сафидан ўрин олган. Малика опанинг кўплаб шоғирдлари нафақат Ўзбекистонда, балки Россия, АҚШ, Миср, Ҳиндистон, Яман, Не-

пал, Қозоғистон ва Қирғизистонда самарали фаолият олиб бормоқдалар. Малика Абдуллажоева чет элларда ҳам олим сифатида кўпчиликлари яхши таниш. Унинг Патологлар халқаро уюшмаси вице президенти ва Халқаро патология академияси Марказий Осиё бўлими раиси этиб сайланганлиги ҳам шундан далolat беради. Шу билан бирга олимпиада Ўзбекистондаги йирик илмий мактабнинг ташкилотчиларидан, 11 нафар тиббиёт фанлари докторлари ва 55 нафар фан номзодларини етказиб чиқарган. Атоқли олим сифатида АҚШ, Франция, Швейцария, Югославия, Венгрия, Ҳиндистон, Туркия мамлакатларига Ватанимизнинг муносиб намояндаси сифатида бир неча бор сафар қилган. Олимпиада Тошкентда инсон патологияси бўйича биринчи илмий марказни барпо этган, ҳозирги кунда мазкур марказ директори сифатида эл саломатлигига камарбаста бўлмоқда.

— Малика Самадовна 1998 йилдан буюн Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси хайъатининг аъзоси. Меҳнатсевар, ҳалол ва ўз касбининг фидойиси бўлган олимпиада аёллардан саналади. — дейди Олий аттестация комиссияси раиси, профессор Карим Султонов. — У ўз умрини эл саломатлигига бағишлади, тинмай изланди, илмий ишлар олиб бориб чексиз муваффақиятларга эришди. Хайъатнинг ҳар бир йиғилишида фаол иштирок этиб келади, тиббиётга оид бирор муаммо юзгага келса, дарҳол ёрдам беришга интилади. Ўзбекистон Қарамони юксак унвонига сазовор бўлганларини эшитганимда жуда хурсанд бўлдим. Зеро, бу заҳматқаш олимпиада шундай унвонга лойиқ ишларни амалга оширган. Опанинг бутун ҳаёти давомида олиб борган илмий изланишлари бунинг яққол далилидир.

Дарҳақиқат, Малика Абдуллажоева тиббиётда ўз илмий йўналишини яратган олимпиада, унинг самарали меҳнатлари ҳукумати томонидан қадрланиб, эъзозланди. Элга машҳур олимпиада шунингдек, оилада бахтли она ҳамда набираларининг сеvimли буви-жони ҳамдир. Бундай элим, юртим деб ёниб яшаётган фидойи аёлларимиз билан ҳар қанча фахрланасан арзийди. Малика опа сингари олимпиада аёлларимиз ўз салоҳиятлари билан илм-фан чўқиларини забт этиб, муваффақиятларини тараққиётга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Қўшининг заррин нурлари каби шоғирдлари, шу жумладан ёш авлод қалбини ёритмоқдалар.

Дилором ИКРОМОВА

Анжуманлар

СОҲА ТАРАҚҚИЁТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ

АЁЛ ЖАМИЯТИНИНГ БИР БЎЛАГИ. БУГУНГИ КУНДА ҲАР БИР СОҲАДА УЛАРНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР. ДАВЛАТИМИЗ ЮКСАЛИШ САРИ ЮЗ ТУТАР ЭКАН, ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ ЎЗ ҲИССАЛАРИНИ ҚЎШМОҚДАЛАР. ЗЕРО, УЛАР НАИНКИ ЯРАТУВЧИ, БАЛКИ ЭЗГУЛИККА УНДОВЧИ, ЯХШИЛИККА ЕТАҚОВЧИ, ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ ВА ЯШАШ УЧУН КУРАШГА ЧОРЛОВЧИ, МУҲТАРАМ ВА МУЪТАБАР ИНСОНЛАДИР.

Тошкент Автомобиль йўллари институтида ўтказилган тадбир ҳам жамиятда аёлларнинг ўрни нечоғли ўринли ва керакли эканлигини яна бир бор исботлади. «Транспорт йўл тараққиётида аёлларнинг ўрни» мавзусидаги тадбирда тараққиётимизга ўз ҳиссасини қўшиб келатган етакчи олимпиада аёлларимиз иштирок этидилар.

Анжумани Тошкент Автомобиль йўллари институти ва Миробод туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилди.

— Муваффақият аёлларимизга ҳар жабҳада фаол ва ташаббускор бўлиш имкониятини берибди, — дейди Тошкент Автомобиль институти хотин-қизлар кенгаши раиси Юлдуз Тўхтаева. — Аёллар нафақат уй бекаси, меҳрибон она, балки тиниб-тинчимайдиган, янгилик яратишга интилан, Ватанимиз раванки, юртимиз ободлиги, халқимиз осойишталиги учун жон қўйдириб олиб, югураётган, фанда изланишлар, янгиликлар яратётган, хорижда ўзбек хотин-қизлари шаънини шарафлаётган муқаддас зотлардир.

Анжуманда Автомобиль-йўллари институтининг етакчи профессор аёллари, ўқитувчилар, хотин-қизлар кенгаши аъзо-

лари ҳамда талаба-ёшлар сўзга чиқиб, бугунги кунда транспорт соҳасида эришилган ютуқлар, татбиқ этилаётган янгиликлар, яратилган техникалар мавзусида қизиқарли чиқишлар қилдилар.

— Биз бундай тадбирларни бошқа институтлар билан ҳам ҳамкорлиқда ҳар ойда ўтказиб боришни режалаштириб олдик, — дейди Тошкент Автомобиль йўллари институтининг маънавий-маърифий ишлар бўлими биринчи проректори Дағар Расулов. — Чунки институтимизда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг деярли кўпчилигини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг изланишлари натижада кўплаб илмий асарлар яратилди, автомобилсозликка оид янги-янги лойиҳалар ва режалар ишлаб чиқилди. Изланиш ва интилишлар бугунги кунда ўз маҳсулини бермоқда, биз бундан жуда ҳам мамнунмиз ва шунга аминимизки, аёл бор жойда ҳаммиса энг эзгу хислатлар намойён бўлади.

Анжуман фикр-мушоҳада ва мулоҳазаларга бой тарзда жуда қизиқарли ва мазмунли янгулди. Тадбир сўнгиде институт талабалари устоз, ўқитувчиларга гўлдастлар тақдим қилдилар.

РЕЖАСИ ИШЛАР САМАРАСИ

МАҲАЛЛА НУФУЗИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ОШИРИШ, УНИНГ ОБОДЛИГИ ВА ОРАСТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ОИЛАЛАРИНИНГ ТИНЧЛИгини МУҲОФАЗАЛАШ БУГУНГИ КУННИНГ ЭНГ ДОЛЗАБ МАСАЛАЛАРИДАН БИРИДИР. ОИЛАДА ТИББИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ, БАЛОГАТ ЁШИГА ЕТГАН ҚИЗЛАР БИЛАН СУҲБАТЛАР УОШТИРИШ, ҚИЗЛАРНИ ОИЛАГА ТАЙЯРЛАШ БОРАСИДА МАҲАЛЛАЛАРДА ҚАТОР САМАРАЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

— Маҳалланин тинчлиги, хотиржамлиги, обод ва орасталиги аввало унда истиқомат қилаётган одамларнинг савиясига, иродасига, онг ва тушунишга, тафаккурининг нечоғли бойлигига боғлиқ, — дейди Учтепа тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Азиза Гийёсова. — Айниқса аёлларимизнинг, қизларимизнинг ҳукукий саводхонлигини нҳоятда оширишимиз жоиздир. Чунки хотин-қизлар оилада ҳам, жамиятда ҳам унинг барқарорлигини бирдек ушлаб туради. Қачонки оилаларда тинчлик бўлса, юртимизда ҳам юксалишлар, улкан бунёдкорликлар амалга оширилади. Туманимиздаги соғломлаштириш мажмуаларида, оилавий поликлиникаларда ёш қизларимиз, бўлажақ оналарнинг соғлигини ҳар томонлама муҳофаза-лаш, асраб-авайлаш асосий вазифа қилиб белгиланган. Маҳаллаларда эса доимий равишда турли хил учрашувлар, давра суҳбатлари ва тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бундан қўзланган мақсад эса оила аъзоларининг соғлигини муҳофаза қилиш, сиёсий онгини шакллантириш, ёшларнинг маънавий ва илмий дунёқара-шларини кенгайтиришдан иборатдир. Балогат ёшига етган қизларимиз билан алоҳида давра суҳбатларини керакли мутахассислар ёрдамида уюштириб келинмоқда. Ҳар ҳафтада маҳаллаларда айнан хотин-қизларга доир тадбирлар ўтказиб турилади.

Дарҳақиқат, Жўржоний маҳалласида ўтказилган тадбир ҳам ушбу туманда амалга оширилган ишларнинг яққол ифодасидир. Яқинда, бу ерда ўтказилган «Аёл ва ҳуқуқ» деб номланган мазкур тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова миллилатимиз эртаси бўлиши қизларнинг таълим-тарбияси, ёшларнинг изланиш ва интилишлари ва келгусида амалга оширилаётган самарали ишларнинг ижобий натижалари ҳақида сўзлади. Аёл энг аввало меҳрибон она, пазанда, ҳушмуомил аёл бекаси бўлиб олиши шарт эканлигини, чунки оилаларда доимий равишда осойишталик, хотиржамлик бўлса, ҳар қандай ишда унум ва барака бўлишини айтир экан, Ватан остонаси маҳаллада бошланади, дея таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, аёллар жамиятимизнинг асосий таянч нуқталаридир. Улар билан олам мунаввар, ҳаёт янада мазмунли ва гўзалдир. Замон билан ҳамнафас кадам ташлаётган ўзбек аёлининг латофати, ҳаё ва ибоси, олиб бораётган илғор яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари ҳавас қилса ариғидек.

Гулчеҳра САТТОР қизи

ТЕМУР ТУЗУҚЛАРИ

**ЗАҲАРЛИ СИПОҲИЙ
ФАВЖЛАРНИ УШБУ
ТАРТИБДА
САҒГА ТИЗИШ
ТУЗУГИ**

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Амр этдимки, агар ганим лашкари ўн икки минг отликдан ортиқ бўлса-ю, лекин қирқ мингга етмаса, [лашкаримга] бахтиёр ўғилларимдан бири сардор бўлсин. Икки бегларбег қўшунот, туманот ва улусот амирлари ҳамда қирқ минг отликдан кам бўлмаган сипоҳ билан унинг хизматида ҳозир турсинлар. Зафарли сипоҳ фавжлари, тадбиркорлик, мардлик ва мардоналиқни қўлдан бермасликлари учун мени доим майдонда ҳозир деб билсинлар.

Амр этдимки, менин зафару бахт келтирувчи чодиримни [лашкар] бошига олиб чиқишгач, ўн иккита сипоҳий фавж тайинласинлар, уларнинг ҳар бирига улусот амирларидан бири фавж амира этиб белгилансин. У мен тузган саф тизиш, [ганим] сипоҳи ф

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўнганиб
Домо бўлар...МАШРИҚЗАМИН —
ҲИҚМАТ БЎСТОНИ
КУЛГИ ВА ТАБАССУМ
ҲАҚИДА

Эй ўғил! Ҳиқмат китобларида, очик юзлилик ярим давлатдир, дейилади. Агар киши хушчирои ва «очик» юзли бўлса, бу «очик» юзлилиги унинг бахтига «очки» бўлади.

Чаманда беғубор бир ханда кўрдим,
Ҳақиқий хандани чаманда кўрдим.
Одамлар ичидан ханда қидирсам,
Рух ила тани сог одамда кўрдим.

Агар хумрайган ва бадқовоқ бўлса, «очик»нинг ўзи бундай одамдан «қоч» деб турибди, агар унинг уйда бўлсанг, уйдан «чик» демоқда. Сен кўркам хушлик, хушчирои ва кулб турадиган кишига кучо-гингни «оч» ва сenga раво кўрган бир пиёла чойини жон деб «ич».

Эй дўсти азиз, жаҳонда тузлук бўл,
Соҳиби табассуми очик юзлук бўл.
Элу улуска афзолини тун қилма,
Эл тунини аритгилу кундузлук бўл.

Хушчирои ва хушханда одамда жahl ва ғазаб бўлмайди, одамда жahl ва ғазаб «бўлмаса», демак унда «асаб мўл» бўлади, асаби бесабаб «ўлмаса», эл ичида ёмон лақаб билан «масал» бўлмайди. Шер:

Шундай йиғладимки, қон окди кўздан,
Хаттоки кетибман охири ўздан.
Ўқ ебди, бир ери синибди дема,
Ҳаммаси ножўя айтилган сўздан.

Одамнинг табассуми қанча кўп бўлса, у одамлар ичида шунча сеvimли бўлади. «Қанча» сўзига назар сол, у одамлар ичида юлдуз каби «чақна» деб турибди. Киши эл ичида сар«баланди» бўлишни истаса, «лабдан» ҳеч қачон табассумни аритмаслиги керак, шунда у элдан «бад»намолик кўрмайди, унинг руҳи ҳам, «бадан»и ҳам то«абад» шикаст тортмайди.

Хар лаҳзада элимнинг руҳига жон табассум,
Шодлигимга, бахтимга асл нишон табассум.
Толемининг кулгани аён табассумимдан,
Иқболимининг равнакин айлар баён табассум.
Табассумдан кўнгиллар яқин бўлар

кўнгилга,
Табассумдан дўстликнинг меҳри аён табассум.

Табассумдан ҳар бир иш ривожланар олдинга,
Кўнгилларнинг мадори роҳатихон табассум.

Табассумнинг қудрати кўнгилларни забт этар,
Душманларнинг бағрини қилади қон табассум.

Табассумнинг меҳридан қорлар эриб кетади,
Табассумнинг қаҳридан ғамлар ниҳон табассум.

Хур ватанда доимо табассум пойдор экан,
Хавас қилар юртингни жумла жаҳон табассум.

Махдумо, табассумнинг йўлдош бўлсин хамиша,
Лабларингдан кетмасин бу дурфишон табассум.

Демак табассумнинг «билан» «лабни» хуш ханда-га «мосла» ва бировнинг юрагига ғам «солма».

Хуш «хандон» кишининг ризқи улғ бўлиб, ҳар қандай «хондан» шодлик ушогини тера олади.

Шодлик «ушогини» терувчини эса, одамлар яхши кўриб, ўз «оғуш»ига олади.

Самимий бўлса ҳар дилга берар яхши самар ханда,
Белингга айлағай қувват нисор, олтин камар ханда.

Зимистондек қоронғу бўлса қалбингни туби доим,
Мунаввар айлағай тонгни нури янглиғ шакар ханда.

Агар ўзга кишининг шишаи қалбига тош тегса,
Мисоли мўмий янглиғ ани дарҳол ямар ханда.

Дили хуфтон, сиқилган кимсаларнинг ғамли бошини,
Етургай лаҳзада шодлик ила осмон қадар ханда.

Ҳаризли хандадан дилга азиятлар етар доим,
Ҳаризли чехраларга ҳеч насиб этмас самар ханда.

Самимий бўл халойиққа, табассум айла эй Махдум,
Нечунким бўлмади элга сеvimли ҳеч заҳар ханда.

Табассум ва кулгининг ҳам ўз «ўрни» бўлиб, «ўрин»-сиз ерда кулсинса, «азиз» одам ҳам «изза» бўлиб қолиши мумкин. Ҳиқмат ахлининг айтишича, аёл киши «ҳақ» бўлса ҳам, ноўрин жойда «қаҳ-қаҳ» кулиши хушқудир. Сен дўстларингни самимий кулишига замин ҳозирлаки, дўстона кулиш фойда-ли «таъсир» кўрсатиб, дилларни «асир» қилади.

Самимий кулги «асар»и «сара» кайфият бағиш-лайди. Узингни таҳқирловчи кулгидан «асра»ки, кайфиятинга нохушлик «асар» қилмасин. Душман-нинг «заҳар» хандасига дучор бўлишдан «ҳазар» қил. Шер:

Яқин одамининг кулгани яхши,
Разил душманингни ўлгани яхши.

Хар булбулдан висол излаган гулнинг,
Очилгандан кўра сўлгани яхши.

Махмуд ҲАСАНИЙ

Зимрад кишининг файзли ойлари.
Владимир Гранкин олган суратлар

КАТТА БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК

ЖОРИЙ ЙИЛДА РЕСПУБЛИКА «БАЙНАЛМИЛАЛ» МАДАНИЯТ МАРКАЗИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНАДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН 20 ЯНВАРЬ КУНИ ПОЙТАХТДАГИ «ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ» САРОЙИДА КАТТА БАЙРАМ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Унда юртимизда фаолият юритаётган 140 дан ортик хорижий маданият марказлари иштирок этади. Айни пайтда эса республикадаги барча маданият марказлари мазкур муҳим байрамга катта тайёргарлик кўрмоқда. Дунёда барча халқлар учун улғу неъмат Ватан осойишталиги ва халқ тинчлигидир. Ўзбекистонни Ватан деб билган ўзга миллат вакиллари бугун ўзбек зами-нида бахтли ва фаровон яшашмоқда. Бу бахтиёр тур-

мушнинг сабаби эса энг аввало мамлакатимизда мил-латлараро муносабатларни мустақамлашга бўлган катта эътибор ҳамда унинг амалда Конституция ва қонунлар билан таъминлаб қўйилганидир. Мустақилликнинг да-стлабки йилларида ташкил этилган Республика Байнал-милал маданият маркази ҳам ўз мақсад ва вазифалари-дан келиб чиққан ҳолда айни шу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш, турли миллат вакилларининг маъна-вий, маданий эҳтиёжларини қондириш ва уларга ама-лий ёрдам кўрсатиш ишларини амалга оширмоқда. Ўзе-бекистон фуқароларининг барчаси жинси, ирки, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар қонун олдида тенгдир. Юртимизда яшаётган турли миллат вакилларининг мар-казий ва маҳаллий ҳокимият органларидаги фаолияти, Олий Мажлис депутатига ва маҳаллий ўз ўзини бошқа-

риш органларига сайлангани, йирик корхона ва ташки-лотлардаги меҳнати, бир сўз билан айтганда жамият ҳаётидаги фаол иштироки ҳам улар тенг ҳуқуққа эга эканлигидан далолатдир. Бугунги кунда республика-даги мактаб ва олий таълим муассасаларида бир қанча тилларда сабоқ берилади. 9 тилда теле ва радио дас-турлар эфирга узатилади. Юртимизда яшаётган бошқа халқ вакиллари ҳам бугун ўзбек тилини ўз она тилидек ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Бунга қозоқ, арман, рус, озарбойжонлик ёш ўғил-қизларни ўзбекча шеър хиргойи қилишлари, куй-қўшиқлар қуйлашлари мисол бўла олади.

«Ягона оила» номли китоб маълумотномасининг нашр этилиши ҳам мамлакатимизда диний бағрикенглик ва мил-латлараро тотувлиқни таъминлашда алоҳида эътибор қаратилаётганидан нишондир. Мазкур китобда юртимиз-да фаолият олиб бораётган барча маданият марказлари ҳақида тулиқ маълумот жамланган.


Спорт

РЕЙТИНГ
ЖАНГЛАРИ

ПОЙТАХТДАГИ «ДИНАМО» СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУИНИНГ БОКС ЗАЛИДА ВАЗНИ 59 КГ. ҲАМДА 69 КГ. БЎЛГАН БОКСЧИЛАР ЎРТАСИДА РЕЙТИНГ ЖАНГЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур беллашуви Ўзбекистонда профессионал боксчиларни тайёрлаш ҳамда уларнинг жаҳон арена-ларида муваффақиятини таъминлаш мақсадида қўйил-ган илк қадамларидан бири дейиш ўринли. Бу хайр-ли ишда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Мурод Эргашев, спорт устаси Зиёвуддин Тайғонбоев каби спорт жонқурлари тажрибаси асқотди.

СУРАТЛАРДА: рейтинг жангларидан лавҳалар. Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

РУСЛАН ГЕРМАНИЯГА
КЕТДИ

ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ ВБЕ ЙЎНАЛИШИДА ЧЕМПИОНЛИК УЧУН АСОСИЙ ДАВВОГАР БЎЛГАН РУСЛАН ЧАГАЕВ БЎЛАЖАК ЖАНГГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ УЧУН ГЕРМАНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ.

Ҳамюртимиз ўтган йилнинг ноябрь ойида америкалик Жон Руис устидан ғалаба қозониб энг оғир вазн тоифасида чемпионлик камарига муносиб эканлигини исботлаган эди. Ушбу унвон учун кечадагидан масъулиятли жангга Чагаев жид-дий тайёргарлик кўради. 2007 йилда унинг ўз олдида қўйган дастлабки вазифаси WBE камарини қўлга киритиш-дир. Бунинг учун у россиялик таниқли боксчи Валуевни мағлуб этиши лозим.

— Валуев билан жанг қачон ва қаерда бўлиши ҳали маълум эмас, бироқ у билан жанг ўтказишим деярлик юз фо-

изга ҳал бўлган, — деди боксчи. Чагаев профессионал бокс фаолиятида 23 та жанг ўтказган бўлиб, уларнинг би-рортасида ҳам мағлуб бўлмаган. Ҳамюртимизни масъулият-ли жангга ғалаба қозонишига умид билдириб қоламиз.

ҒОЛИБЛАР
ҚОЗОҒИСТОНГА БОРАДИ

ПОЙТАХТДАГИ АБСИДИАНТ СПОРТ КЛУБИДА 1990-94 ЙИЛЛАРДА ТУҒИЛГАН ЎСМИР ЁШЛАР ЎРТАСИДА МУАЙТАЙ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Мусобақада 200 дан ортик ёшлар 12 вазн тоифаси бўй-ича ғолиблик учун баҳс олиб бормоқда. Эслатиб ўтиш ло-зимки турнирда ғолиб чиққан муайтайчилар февраль ойи-да Қозоғистонда ўтказиладиган халқаро турнирда қатна-шадилар.

ЁШ ПОЛВОНЛАР
ГИЛАМГА ЧИҚДИ

ПОЙТАХТДАГИ «ДИНАМО» СПОРТ МАЖМУАСИДА САМБО КУРАШИ БЎЙИЧА БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА КИШКИ ТАЪТИЛ СОВРИНИ УЧУН МУСОБАҚА БЎЛИБ ЎТДИ.

Хар йили ўтказилиб келинаётган мусобақада 150 га яқин болалар иштирок этди. Ёш полвонлар икки кун давомда 13 вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Мусобақада Жасур Абдурахимов, Жамшид Отамуро-дов ҳамда Азамат Ваҳобов биринчи ўринни қўлга кирит-ди. Улар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Туркистон-пресс»

Қатрлар

ОНА АРМОНИ

Табаррук кекса онанинг дарди яна ошди. Кенжакой ўлими бир кўрмоқ бўлибди оҳ чекади:—Дийдорини кўрсам армоним қол-масди».

—Бардам тут ўзингни. Келиб қолади. Дом-ласининг кетида юргандирда. Халиги бир нарсани ёқлар эмиш-ку, —дейди Толиб ака.

—Вой ўзидан тинсин-ей, — она кўзидаги жижка ёш рангсиз, оқши ёноғидан думалаб ёстиққа томди.—Орагининг бир парчаси узилиб кетаётганга ўхшайди. У бир ҳаракат билан чалқанча ётади. Аста нурсизланиб бо-раётган кўзлари шифтга миклангандек ин-тизор боқади...

Ўғли билан бир ёстиққа бош қўйган ке-линининг қадами изили-кутли келмади. Ен-гил-елпи таманнолиги билан уй-рўзгор иши-нинг «икир-чикир»ларини ҳам кўрмаганлик-ка олади. Она тонгда кўча дарвозасининг саҳнига тўқилган ўрик барглари шилди-ратиб супураб экан, шох пардалар тутил-ган хонадаги овоз қулоғига чалинди:

—Тур, туракол. Кўлларида супургини ол. Ўн дақиқали иш-ку. Кўчадан ўтаётганлар нима дейди...

—Ё мен билан бўлинг, ё онангиз билан...

Она бу сўзларни эшитмаганликка олади:—Инсофга келиб қолар, ҳали ёш, ўзидан қўлайсин», дейди ичида ўзини юлатиб.

Уларнинг бу хонадонни тарк этиш, кўп қаватли бинодо яшаётганига мана икки йил бўлдики, она йул пойлайди. Бир пиёла чой устида ўғли билан дил ёзишга интизор. Шун-

дай пайтларда келинининг сўзи яна кўнда-ланг келади: «Ё мен билан бўлинг, ё онан-гиз билан бўлинг». Она хиппа бўғилиб, ўз ёнига ўзи қовурилади.

Илмий иш, қанча югур-югурларга вақт топ-ган ўғил бир пиёла чой устида кўнглига йул топадики эди, келинининг ўша пайтда айт-ган сўзининг заҳри юврилиб кетармиди. Шун-дай бўлсада, она бағри кенглик ҳисси билан дил парчасини интизор кутиди: «Онам-ни рози қилолмадим, деб қуйиниб юрма-ни. Сендан розиман, болам», демоқчи. Сўнг хотиржам... аммо ношуд ўғилнинг бутун ум-рига илиқлик беришга қодир бу дақиқалар унга насиб этмади, она кўнглида армон билан кетди. Дарвоза олдида ўғил ҳам мунгли бош эгган. Эгннда кўк бекасман тўн. Белида шох белбоғ. Назарида унга боққан кўзлар: «Онанг ҳаётлигида уч соат вақтингни кизга-ниб ҳолидан хабар олмасдинг. Энди одам-лар кўзига уялгандан турибсан, номард», дегандек дашном беради. Бундан у қалқиб сузаётган кемада омонат тургандек хис этар-ди ўзини.

БУЮК БОЙЛИК

Давраларда унинг сўзи сўз. Кўчаларда юрганда катталарга хушига келса салом бе-ради, бўлмаса йўқ. Бирор нотаниш:—Ота-нанг борми?—деб сўраб қолса:—Улар бор-ки, бойлигим бор, омадим бор,—дея шукр қилиш қаёқда: «Ҳа, нимаиди?»—дейди бе-парво. Кимнингдир орқавордан: «Отаси-нинг даврида қариллаб юрибди-де» дегани-ни эшитса ҳам эшитмасликка олади.

Сунган тоғи, буюк бойлиги ким эканини болам-чакам деб суяғи меҳнатда қотган ота-сининг вафотидан кейингина англади.

ҲАЁ

Қадимда ҳаё ва ибодил, гўзалликда ягона бир киз турмушга чиқмасдан олдин йигитга шарт қўйибди. Йигит унинг бир йилда бир кун рухсатсиз уйдан чиқишига рози бўлиб-ди.

Киз келинлик одобини жойига қўйиб, ши-рин сўзи, меҳнати билан оиланинг фаро-волигини оширибди. Хар кун бекаму кўст хизмат қилиб, ота-онасининг дуосини олиб-ди.

Бир кун эри билан бўлган ахдлашувга кўра ўзи билан қамшизорга етибди. Қамшилар-га дардини айтиб, йиғлай-йиғлай юрагини бўшата бошлабди. Қамшилар бундан ҳазин овоз чиқариб, шовуллашга тушган экан, ке-лини «Оббо, қамшилар ноламини шамол би-лан узокларга элтиб, ошқора қиладиган бўлди-ёв» дея кўриқди ва қаттиқ ух торта-нидан қамшилар қарчиллаб ёниб кетди.

Аёлининг бу ҳолатини орқадан кузатиб юрган йигит: «Қойилман, шунча дардини ҳаё пардасида сабр билан сақлаб, оилада лом-мим демай юрган экан», дебди ва унга нисба-тан меҳри янаям товланибди.

Ўша келинининг фазилати ўтмишдаги ўзбек аёлларининг оилада нақадар сабрли бўлган-лигини эслатади.

Ҳозирги баъзи аёлларимизнинг ҳаё пар-дасидан қиқиб кетаётганлигини ташвишлан-иб ўйласам, ўша ривоят ёдимга тушавера-ди, тушаверади...

ТУТУНЛАР

Зариф дарксонидидаги печаниннинг қопқо-ғини ёппай, тутаб ётган намхуш ўтинни пуф-лайвериб кўзи ачишди.

НИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ВАЗИЯТНИ ОЙДИНЛАШТИРИШ ИМКО-НИ ТУГИЛАДИ.

Кўёш тақвимининг бугунги 28-куни эса инсонлар ўр-тасидаги муносабатларда ахлоқ-одоб қоидаларига қатъий риоя этилишини тақозо қилади. Инсон яхшилигининг қад-рига етиш керак.

Ой сайёрасининг 22-кунги ҳолати янги билимларнинг одатдагидан анча енгил ўзлаштирилишига шароит ту-гдиради. Бинобарин, бугунги кунни албатта ўқиш, ўрга-нишга бағишлаганингиз маъқул. Илмий-тадқиқот фаоли-яти билан, мустақил равишда билимингизни ошириш билан ҳамда сизни қийнаб келаётган эски муаммоларин-гизнинг ноёб ечимларини излаш билан машғул бўлиш яхши самара беради.

«PRESS INFO» МЧК тугатилади. Даъволар эълон чиқ-қан кундан бошлаб 2 ойгача қабул қилинади.
Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Сайрам кўчаси, 4-А уй, 3-хона

Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.
Ҳаҳми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4398 нусхада босилади.
Қозғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрий-матбос акциядорлик компанияси
босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6